Ушбу сонда:

2 РАҲБАР ҚОНУННИ УНУТСА...

3 МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК иш унумини оширмоқда

4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 4 октябр, шанба № 155 (1580)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

АМПУТАНТ - НОГИРОНЛАР ЎРТАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА VI ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Барчангизни - меҳмондўст Ўзбекистон диёрида илк маротаба ўтказилаётган чемпионат қатнашчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларини қутлаш менга катта мамнуният бахш этади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтишни истардимки, ўзбек халқи ўзининг асрлар мобайнида қарор топган ва мустақиллик йилларида ривожланган меҳр-шафқат ва бағрикенглик анъаналари билан шуҳрат қозонган.

Биз спортни ривожлантиришга, спортчиларимизнинг мусобақаларда иштирок этишига алоҳида эътибор бериб, халқаро чемпионатларни ташкил этар эканмиз, сизларнинг бугунги чемпионатингиз, умуман спорт, мусобақа майдонларидаги беллашувлар руҳи тинчликни ҳамда инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашини яхши биламиз.

Бизнинг мамлакатимиз бундай мусобақалар ташкил қилишга ҳамиша эътибор берган ва катта эътибор бериб келмоқда ҳамда икки маротаба олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган ўз футболчиларининг ютуқлари билан фахрланади.

Давлатимиз ҳақли равишда эзгулик ва меҳр-шафқат ғалаба қозонадиган шундай мусобақалар ўтказиладиган марказларнинг бирига айланиб бораётганлигини кўриш қувонарлидир.

Азиз мусобақа қатнашчилари!

Сизлар барча қийинчиликларга, синов ва машаққатларга қарамай, ҳаётий куч, ғалаба иштиёқи, келажакка ишонч каби -ҳурмат ва таҳсинга лойиқ фазилатларни сақлаб қолдингиз. Сизлар чинакам мардлик ва матонат намунасидирсизлар.

Сизларга - турнир қатнашчиларига - спортда муваффақиятлар ва омонлик тилайман. Қадимий ва меҳмондўст Ўзбекистон заминида ўтказган кунларингиз қалбингизда ғоят самимий ва унутилмас таассуротлар қолдиришига астойдил ишонаман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«ЛАСЕТТИ» - ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДА

«Автотеххизмат» акционерлик жамиятида «ЎзДЭУавто» заводининг янги «Ласетти» автомобиллари сотилмоқда.

Корхонада ўзлаштирилган бешинчи автомобил Жанубий Корея мутахассислари томонидан италиялик ҳамкасблари билан биргаликда ишлаб чиқарилди. «Ласетти» қатор янгиликлари, техник ечимлари билан «ЎзДЭУавто»нинг аввалги русумдаги машиналаридан тубдан фарқ қилади. Унинг салони кенг бўлиб, дизайни замонавий талабларга жавоб беради. Ушбу автомобил асосан экспорт учун мўлжалланган ва айни пайтда у фақат Жанубий Корея ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда. Корпорациянинг бошқа мамлакатларда фаолият юритаётган кўплаб қўшма корхоналари бундай ҳуқуқга эга эмас.

- Ҳозир ушбу автомобилларни сотиш билан биз ва тошкентлик ҳамкасбларимиз шуғулланмоқда, - дейди «Автотеххизмат» акционерлик жамиятининг Андижон вилояти савдо бўлими бошлиғи А.Абдураҳимов. - Биз таклиф этаётган уч русумдаги машиналарнинг нархи 15,5 миллион сўмдан тортиб 22 миллион 147 минг сўмгача туради. Дастлабки кунларда 20 автомашинани сотдик.

(ЎзА)



ТАДБИРКОР ГУЗАР ҚУРДИ

Сўх туманидаги Мулғон маҳалла фуқаролар йиғинида ҳамма қулайликларга эга бўлган «Бурхон Маҳмуд» номидаги маҳалла гузари ишга туширилди. Ушбу гузарни тадбиркор Бурхонжон Маҳмудов ўз маблағи ҳисобига қуриб битказди.

Маҳалла гузарида новвойхона, сомсахона, чойхона, енгил автомобиллар таъмирлаш устахонаси, савдо дўкони ва бир қанча маиший хизмат нуқталари иш бошлади.

Айни пайтда 6 нафар маҳаллий ёш иш ўринларига эга бўлди.

Суратларда: маҳалла гузари чойхоначиси А.Аҳмедов; гузарнинг кўриниши.

М.ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган суратлар

Футбол

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда кўплаб спорт турлари бўйича нуфузли мусобақаларни ўтказиш анъанага айланган. Якинда Тошкентда теннис бўйича Осиё чемпионати зўр муваффакият билан ташкил этилган эди. Шу кунларда пойтахтимиз яна бир нуфузли мусобака ампутант-ногиронлар ўртасида футбол бўйича VI жахон чемпионатига мезбонлик килмокда.

Тошкентдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи стадионида мазкур чемпионатнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ампутант-ногиронлар ўртасида футбол бўйича VI жаҳон чемпионати қатнашчилари ва меҳмонларига табригини давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов ўқиб эшиттирди.

- Гўзал ва бетакрор юртингизда ҳар қандай спорт тадбирлари юқори савияда ташкил этилишини биламан, - деди Ногиронлар халқаро футбол федерацияси президенти Томас Фёллер. - Дунёнинг энг кучли терма жамоалари иштирокида ўтказилаётган мазкур жаҳон чемпионати ҳам иштирокчилар хотирасида узоқ йиллар сақланиб қолади.

Шундай қилиб, ампутант-ногиронлар ўртасида дунёдаги энг номдор - Бразилия, Россия, Украина ва Ўзбекистон терма жамоалари иштирокида жаҳон чемпионати бошланди.

Биринчи турда Ўзбекистон терма жамоаси украиналик футболчиларга қарши майдонга тушди. Кескин ва муросасиз кечган баҳс 3:1 ҳисобида футболчиларимиз фойдасига ҳал бўлди. Ўтган галги жаҳон чемпионатида энг яхши тўпурар совринини қўлга киритган ҳамюртимиз А.Шукуров меҳмонлар дарвозасини икки бор аниқ нишонга олган бўлса, А.Абдураҳмонов учинчи голни киритди. Украиналикларнинг жавоб тўпи Д.Шафалюк ҳисобига ёзилди.

Бразилия ҳамда Россия терма жамолари ўртасидаги учрашувда Клаудио ва Элизео йўллаган голлар бразилияликларга ғалаба келтирди - 2:0.

Мусобақалар давом этмоқда.

(ЎзА)

Ислоҳот берган имкон

ЕРГА ЭГАЛИК ҲИССИ

Деҳкон ва фермерчилик ҳаракатини ривожлантирмай туриб, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга эришиб бўлмаслигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Хўш, шундай экан, бу борада Бухоро вилоятида қандай ишлар амалга оширилаяпти? Мухбиримиз Деҳкон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят вакиллиги директори Максуд Мухаммедов билан учрашиб вилоятда амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳакида сухбатлашди:

– Эндиликда фермерларга мамлакатимиз истиқболидаги асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъект сифатида қаралмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Эртанги тараққиёт мезонлари ҳам айнан деҳқон-фермер жамоаларининг саъй-ҳаракатларида яққол намоён бўлаётир. Шу боисдан вилоятимизда уларга том маънодаги эркинлик беришга, ҳар бир жамоа фаолиятида бозор иқтисодига мос ва хос бўлган соғлом рақобат муҳитини юзага келтиришга, ҳар қандай ҳолда ҳам бу йўналишда ишловчиларни қўллаб-қувватлашга, шу тариқа хусусий сектор салмоғининг ишлаб чиқаришдаги имкониятларини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Айни пайтда вилоятимизда 6278 та фермер фаолият кўрсатиб турибди. Уларнинг ихтиёрида 228 минг 188 гектар ер майдони мавжуд.

Ўтган йилда фермерлар сони 815 тага кўпайди. Ҳар бир фермерга тўғри келадиган ўртача ер майдони 36,3 гектарга етказилди. Бултур бу кўрсаткич 22,9 гектарни ташкил этган.

Бу эса ўз навбатида вилоятимизда ерга, мулкка эгалик масаласи нақадар ривож топаётганидан дарак беради. Бугунги фермер фақат юқори ҳосил етиштириш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Балки, даромадини юксалтириш эвазига кенг кўламдаги ташкилотчилик, ободончилик ва кўкламзорлаштириш ишларига бош-қош бўлмоқда. Ҳомийлик ҳаракатини авж олдириш эвазига ҳамкишлоқлари назарига тушаётган фермерлар бугун оз эмас. Кимдир мактаб, боғча, яна бошқаси йўл қурилишида ташаббускор, кимдир маҳалласи учун гузар тиклашда бош-қош бўлмоқда. 100 дан ортиқ фермерларимиз аълочи мактаб ўқувчиларига стипендиялар ажратаяпти. Кўп болали кам таъминланган минглаб оила фарзандларига ўқув дарсликлари, мактаб формалари харид қилишни ўз зиммасига олган фермерларимиз ҳам йўқ эмас. Бундай саховатпеша фермерлар билан фахрланса арзийди.

Фермерчилик равнақи ҳақида гапирганда, биринчилардан бўлиб бу ҳаракатга қўшилган Ромитан тумани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмасак бўлмас. Бугунги кунда вилоятда дон ва пахта етиштириш салмоғининг 36-38 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келаётган бўлса, бу ерда 100 фоиз маҳсулотни айнан деҳқон-фермер жамоалари етиштираётир. Ўтган даврда вилоятда фермерчиликка айлантирилган ширкатларда пахта ҳосилдорлиги 4,4 центнерга, дон 12 центнерга ошди. «Ромитан» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Файзи Қурбон номли фермер хўжалигида гектаридан олинадиган пахта ҳосилдорлиги 14-16 центнерга кўпайди. Дон етиштиришда ҳам юқори натижаларга эришаётган юзлаб фермерлар борлиги туманда бу ҳаракат ойдин йўлга чиқиб олганлигини кўрсатади. Дастлаб тумандаги ширкатлар йилни зарар билан якунлаган бўлса-лар, ўтган йили 1 миллиард 268 миллион сўмлик соф фойда олдилар.

Ҳукумат қарорларидан келиб чиқиб, фермерларга ғамхўрлик қилиш, уларга хизмат кўрсатувчи идоралар фаолиятини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган қисқа фурсатда вилоятда хизмат кўрсатувчи 14 та мини банк шохобчалари, 25 та эҳтиёт қисмлар билан таъминловчи идоралар, 21 та агросуғурта хизмати кўрсатувчи бўлинмалар, 26 та сувдан фойдаланиш уюшмалари, 19 та нефт, 22 та минерал ўғитлар билан таъминловчи масканлар барпо этилди. 2003 йилнинг ўтган 8 ойида фермерларга 4,9 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Жорий йилдан бошлаб яна бир эзгу иш сари дадил қадам қўйилди. Бақувват фермер хўжаликлар базасида муқобил МТПлар тузилди.

Шунингдек, туман вакилликлари идораси ҳузурида фермерларга консалтинг хизмат кўрсатувчи ҳамда ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти янада кучайтирилмоқда. Вилоят вакиллиги қошида эса фермерлар етиштирган маҳсулотларни сотишга кўмаклашувчи савдо-харид, тайёрлов-савдо корхоналари ишлаб турибди.

Жамоа раҳбарларининг иқтисодий билимларини ўстириш, уларнинг тажриба ва маҳоратларини ошириш ниятида Бухоро Давлат университети аграр факультетининг олимлари ҳамда АҚШнинг «Экстеншн сервис» маркази бўлинмалари мададидан омилкорлик билан фойдаланаяпмиз. Бўлинманинг Ромитан туманида жойлашган ўқув марказида фермерларга ҳар жиҳатдан намунали хизмат кўрсатилмоқда.

Айни кунларда вилоятимиз фермерлари пахта йиғим-теримини бошлаб юбордилар.

Контрактация шартномаларининг ижросини таъминлаш, лизинг асосида фермер хўжаликларига янги замонавий техника воситаларини харид қилиш, хизмат кўрсатиш қўламини тубдан яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш борасида анчагина қийинчилик ва муаммолар борлигига қарамай, янгича ишлаш афзалликлари кўзга тобора яққолроқ ташланмоқда. Шубҳасиз, бу муаммо қийинчиликларни тезроқ ҳал қилиниши, умумий ишни ривожига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррар.

Сухбатдош:
Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири

«ТЕШИКТОШ»: ҲАЙРАТ ДАВОМ ЭТАДИ

Сурхон воҳасидан топилаётган археологик ёдгорликлар жаҳон қадимшуносларини ҳамон ҳайратга солиб келмоқда. Бундан олтмиш беш йил бурун Бойсуннинг Мачай қишлоғи яқинидаги Тешиктош ғоридан топилган неандертал бола суяклари бутун дунёда катта шов-шувга сабаб бўлган эди.

Мамлакатимиз археологлари хорижлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда шу йилнинг ёзида Тешиктош ғорларида илмий текширишлар олиб бориб, янги топилмаларга дуч келди.

Ғорларнинг биридан 26 номдаги муҳим тарихий ёдгорлик топилди. Улар асосан, 4-5 минг йил давомида яхши сақланган одам суяклари ва иш қуролларидан иборат. Ушбу топилмалар олис аждодларимизнинг яшаш тарзи, меҳнат шароитини янада чуқур ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

(ЎзА)

ЁШЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармонига биноан ушбу мукофотга номзодларни танлаш ва тақдирлаш ваколати «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашига берилганди.

Шунга мувофиқ мазкур кенгаш ҳузурида тузилган комиссия ҳаракатнинг қуйи ташкилотлари ва жамоатчилик томонидан тақдим этилган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар жиҳатдан ўрганиб чиқди. Улар орасидан қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият, спорт, фан ва таълим, ҳарбий соҳаларда намунали фаолият кўрсатаётиб, самарали ютуқларга эришаётган ёшлар танлаб олинди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони совриндорларининг бир гуруҳига мазкур мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси вакиллари, фаол талаба ёшлар ва журналистлар иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қаратилаётган улкан эътибор, йигит-қизларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ватанимиз шон-шавкатини халқаро миқёсда юксалтиришга қўшаётган улуши ва ёшлар зиммасидаги бурч ҳамда вазифалар хусусида тўхталди.

(ЎзА)

Бунёдкорлик

ОҚСОҚОЛЛАР ҚУВОНЧИ

Бунёдкорлик халкимиз томонидан ҳамиша қадрланган. Бугун ҳам юрт жамоли, шаҳару қишлоқ тароватига хуснқўшаётган қурувчилар эъзозда.

«Қурилиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари Сирдарёда кўплаб муҳташам биноларга асос солди. Гулистонга зеб берган Марказий банк, «Маънавият ва маърифат» маркази, Мирзаобод ҳамда Пахтаобод касб-ҳунар коллежлари бинолари жамоа усталари ижоди маҳсулидир. Айни чоғда жамият аъзолари Сайхунобод туманида 300 ўқувчига мўлжалланган юзта ётоқ ўрнига эга коллеж барпо этишмоқда. Ҳиссадорлик жамияти раҳбари Сайфиддин Қодирқуловнинг таъкидлашича, мазкур ўқув даргоҳини йил охирига қадар фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шу боис бунёдкорлик ишларига 200 нафардан ошиқ қурувчилар жалб этилган. Айни пайтда улар астойдил меҳнат қилишяпти. Дарвоқе, коллеж биносининг чап қанотида қурилиш-таъмирлаш ишлари поёнига етказилган.

Қурувчилар учун етарли шароитлар яратиб берилган. Ходимларнинг бир қисмига вақтинча ётоқхона ажратилган. Кўчма ошхона барча қурувчиларни уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминлаб турибди.

– Улкан қурилишларда ишлаб пишидик, – дейди қурувчилардан бири. – Илгарилари қурилиш чўзилиб, иншоотларни йиллаб топшириолмасдан юрардик. Эндиликда бир йилда иккита бино қуриш имконияти бор. Ўртача ойлик маошимиз 30-40 минг сўмни ташкил этмоқда. Айтганча, ишбай маош оламиз. Бу кўпроқ даромад олиш имконини беряпти.

Биз қурувчилар ҳузурида бўлганимизда яна бир хайрли иш гувоҳига айландик. Боёвут қишлоғилик бир гуруҳ оқсоқоллар бошлиқ ҳузуридан мамнун қайтишаётган экан. Сабабини суриштирганимизда, Аҳмад ҳожи Эргашевлар хонадони қишлоқ мактабига 3 миллион сўм ҳадя қилганини айтишди. Сайфиддин Қодирқулов эса ана шу мурувватли хонадоннинг тўнғич фарзанди экан. Оқсоқоллар таъмирлаш ишларини шу ташкилот бажариб беришини сўрашибди. Қурувчилар сардори қўлимизга мактабни таъмирлаш лойиҳасини тутқазди. Хуллас, тез орада эски мактаб биноси том маънода янгича кўриниш касб этади.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

«НАФИС» ЯЛТАДАН ҚАЙТДИ

Украинанинг Ялта ва Алушта шаҳарларида «Ялта-2003» халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди. Тўрт кун давом этган ушбу мусиқа байрамида 27 мамлакатдан борган фольклор дасталар ўз халқларининг миллий урф-одатлари, қадриятларини ифодаловчи куй-қўшиқлар, лапарлар, рақслар ижро этди.

Фестивалда Ўзбекистон фольклор санъатини «Ўзбекрақс»нинг Бухоро вилоят бўлими ҳузуридаги «Нафис» дастаси намойиш этди.

- Санъаткорларимизнинг ҳар бир чиқишларини мухлислар илиқ қаршилади, - деди «Нафис» дастаси бадиий раҳбари Ботир Рустамов. - Хонанда ва раққосаларимиз Бухоро, Хоразм, Фарғона водийси, Сурхондарё вилоятларининг ўзига хос, бетакрор лапарлари, қўшиқлари, рақсларини маҳорат билан ижро этиб, махсус диплом билан тақдирланди.

(ЎзА)

Хат йўлга чорлади

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Таҳририятга Қашқадарё вилоятилик фермерлардан бир гуруҳи мактуб йўллаб, ишлаб чиқаришдаги муаммолар, хўжаликларни моддий-техника, минерал ўғитлар билан таъминлашда камчиликлар ҳақида ёзган эдилар. Мактуб баҳона «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик вилоят бирлашмаси, туманлар ва хўжаликларда бўлиб, ҳақиқий аҳвол билан танишдик.

Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони соҳанинг бундан кейинги ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди. Жумладан, «Қишлоқхўжаликкимё» тизимидаги муассасаларнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида иш олиб бораётган бирлашма, унинг жойлардаги бўлимлари ширкат ва деҳқон-фермер хўжаликларини яқиндан қўллаб-қувватламоқдалар. 52 та агрокимёвий хизмат кўрсатиш шохобчасида ўз фаолиятини бошлади. Минерал ўғит ва кимёвий воситалар билан таъминлаш учун 55 та дўконлар очилди. Ҳар бир шохобча аҳоли ва фермерларга сервис хизмати кўрсатиш, ўсимликлар касалликлари ва зараркунанда ҳашаротларга қарши курашиш учун тракторлар, қўл ва моторли механизмлар ёрдамида кимёвий ишлов бериш юмушлари олиб борилаяпти.

Вилоятдаги 150 та ширкат, 8539 та фермер хўжаликларини маъданли ўғит, кимёвий воситалар билан таъминлаш учун шартномалар тузилган. Шунга мувофиқ деҳқон-фермер хўжаликларига 24минг 516 тонна азотли (96 фоиз), 5641 тонна фосфорли (77 фоиз) ва 387 тонна калийли (36 фоиз) ўғитлар етказиб берилди.

Экин майдонлари унумдорлигини ошириш, ерга кимёвий ишлов бериш қатъий назоратга олинган. Ишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун Нишон, Муборак, Касби туманлари «Қишлоқхўжаликкимё» филиаллари раҳбарлари А.Бегалов, У.Чўлиев ва Ш.Норбоевлар вазифаларидан озод қилинди.

Зеро, хўжаликларга маъданли ўғитлар етказиб беришда узилишларга ҳам йўл қўйилмоқда. Чунончи, калийли ўғитлар билан Муборак тумани 6, Миришкор тумани 18, Косон тумани 60, Яккабоғ тумани 71, вилоят бўйича эса 65 фоиз таъминланган, холос.

Акциядорлик бирлашмасидан маълум қилишларича, айрим деҳқон-фермер хўжаликлари минерал ўғитларни олишдан воз кечиб кўпроқ маҳаллий ўғит ишлатишни лозим кўрганлар. Бунга Косон туманидаги «Усмон ота», «Давлат бобо», «Рудакисой», «Шуҳрат», «Эшмурод бобо» каби фермер хўжаликларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бугун деҳқоннинг ерга, мулкка ва меҳнатга бўлган муносабати ўзгарди. Биз вилоятнинг тажрибали фермерлари Н.Илёсов, Т.Раҳмонов, Қ.Шоймардонов, И.Соҳибовлар билан сухбатлашганимизда, ерга сифатли ва чуқур ишлов берган, минерал ҳамда маҳаллий ўғитларни меъёрида ишлатган жамоаларда юқори ҳосил етиштирилаётганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Аҳволни ўрганиш шуни кўрсатдики, жойларда айрим фермер хўжаликлари ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларини талаб қилганлари ҳолда зиммаларидаги мажбуриятларини унутиб қўйишмоқда. Ҳолбуки, Косон, Миришкор ва Нишон туманларида кўплаб фермерлар ғалла тайёрлаш шартнома режаларини бажара олмадилар. Экин майдонларига режада кўрсатилмаган қовун, тарвуз, пиёз, кунгабоқар каби ўтинтирилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Яна бир муаммо. Бирлашмадан олинган ўғитларнинг тўловлари вақтида ҳисоб-китоб қилинмаяпти. Вилоят бўйича фермер хўжаликларининг таъминотчи ташкилотдан қарзи 1 миллиард 398 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Қарс икки қўлдан, деб бежиз айтишмайди. Зеро, «Қишлоқхўжаликкимё» бирлашмаси ва унинг жойлардаги филиаллари, шохобчалари мутахассислари фермерларни қўллаб-қувватлашлари, агротехник тадбирларни амалга оширишда ҳамкору ҳамнафас бўлишлари муваффақиятни таъминлайди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

«Шуҳрат» медали соҳиблари

ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

Ҳамидхон Мўйдинхўжаевнинг «Шуҳрат» медали билан мукофотланганлиги ҳақидаги хушхабар бир зумда бутун Косонсой туманига таркалди, десак муболаға бўлмайди. Биз ҳам учрашиш, мукофот билан қутлаш илинжида Гўрмирон қишлоғидаги сут махсулотларини қайта ишлаш кичик корхонасига ахтариб бордик.

Қишлоқдан чиқавериш-даги ўнг тарафга, адирликлар томонга ўрмалаб кетган дала йўлидан юраркан-миз, узоқданоқ корхона бор бўй-басти билан кўзга ташланди. Дарвозадан кириши-мизнинг яшнаб турган гулу райҳонлар эътиборимизни тортди. Гулзор оралаб ўтган ариқча четига кароват қўйилиб, беқасам кўрпачалар тўшалган. Ҳали иш соати бошланмаганлиги учун ишчилар билан суҳбатлашиб ўтирдик.

Орадан бир-бир ярим соат вақт ўтар-ўтмас ҳаворанг енгил машина дарвоза ёнига келиб тўхтади. Ундан одмигина кийинган йигит тушди.

– Ана, ўзлари ҳам келиб қолдилар, – дейди ўтирганлардан бири. Ҳамидхон камгап, камсуқумгина йигит экан. Бир пиёла чой устида мулоқот қиларканмиз, гап орасида мукофот билан муборакбод этдик.

– Медал менинг номимга берилган бўлса-да аслида мана шу йигитларники, – деди Ҳамидхон жилмайиб. — Улар иш соати бошланмасидан анча олдин етиб келишади. Ускуналарда бирон нуқсон ёки етишмовчилик бўлса, тузатишади.

Ҳ.Мўйдинхўжаевнинг асл касби сув хўжалиги мутахассиси, Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги гидромелиорация техникумини битказган. Қатор йиллар хўжаликларда ишлаган. Ўзбекистонимиз истиқлолидан сўнг юз берган иқтисодий ислоҳотлар уни ҳам бефарқ қолдирмади. Ёшликдан ҳар нарсага қизиқувчан, серғайрат Ҳамидхон шу қишлоқдаги бир неча йиллардан бери фойдаланилмасдан ётган эски бинони сотиб олди. Табиийки, бунинг учун уйидаги мол-қўйларидан, миниб юрган «Жигули»сидан воз кечишга тўғри келди. Ишбилармонларга давлат томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар унинг интилишига қанот бағишлади. Россия ҳамда Туркиядан керакли ускуна ва механизмлар сотиб олди. Ҳозирги кунда корхонада 5 тоннагача сут қайта ишланиб, қаймоқ, пишлоқ, сариёғ каби ўн тўрт хилдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Корхонани узлуксиз хомашё билан таъминлаш мақсадида тумандаги бир неча фермер ва ширкат хўжаликлари билан шартномалар тузилган.

– Ишимизни туман ҳокимлиги доимо қўллаб-қувватлаб бормоқда, – дейди Ҳ.Мўйдинхўжаев. – Аввало, Навоий номли жамоа хўжалигидаги касодга учраган чорвачилик фермасини сотиб олишимизга ёрдамлашди. Кейин фермани ем-хашак билан таъминлашимиз учун 110 гектар ер майдони ажратиб берилди. Натижада ҳозирги кунга келиб фермани оёққа турғизишга муваффақ бўлдик. Шунингдек, ер майдонимизда деҳқончилик қиляпмиз. Бу йил 20 тоннадан ошириб ғалла йиғиштириб олдик. Камида шунча миқдорда пахта тайёрлаш мўлжалимиз бор. Тайёрланаётган маҳсулотларимизни туман ва вилоятдаги қатор болалар боғчалари, шифохоналарга етказиб беряпмиз. Қўшни Андижон ва Фарғона вилоятларидаги, шунингдек, пойтахтимиздаги бир неча қўшма корхоналар ҳам доимий харидорларимиздир.

Хусусий корхона меҳрсаховат, хайрия ёрдамлари кўрсатиш борасида ҳам кўпчиликка намуна. Корхона кўмаги билан «Косонсой» фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Боғ кўча» маҳалласи кўчалари асфальтланди. 3 та мактаб биноси таъмирдан чиқарилди. Кам таъминланган 50 та оила фарзандларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

– Режаларимиз кўп, – дейди хайрлашишимиз олдидан Ҳ.Мўйдинхўжаев. – Шаҳар яқинида сутни қайта ишлаш ва макарон ишлаб чиқариш цехларини қурмоқчимиз. Чорвачилик фермасини наслчилик фермасига айлантириш учун тайёргарлик кўраяпмиз. Бу ниятларимиз амалга ошса, юздан ортиқ иш ўрни яратилади. Хуллас, жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш ягона орзуимиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

РАҲБАР ҚОНУННИ УНУТСА...

Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши, вилоят ҳокимлиги ва Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар вилоят палатаси ўртасида 2001-2003 йиллар учун мўлжалланган ҳудудий келишув имзоланганди. Унга биноан минтақавий «Бандлик» дастурини шакллантириш, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобат қила олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш, аҳолининг айрим гуруҳларини иш билан таъминлаш соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш масалалари қатъий назоратга олинган.

Бугунги кунда вилоятда меҳнат қилаётган 1297 нафар байналмилалчи, 717 нафар ногирон, 8275 нафар вояга етмаган ўсмир бор. Улар доимий диққат марказда турибди. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши жангчи фахрийлар (байналмилалчи) бирлашмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида юзага келган (2002-2005 йиллар) тадбирлар дастурига биноан ўтган 2002 йилда ибратли ишларни амалга оширди. Масалан, «Хотира ва Қадрлаш» куни муносабати билан 832 нафар ишлаётган байналмилалчига моддий ёрдам кўрсатилди. 47 нафарига эса санаторийларга борибкелиш йўл харажатлари тўланди. Ижтимоий суғурта ҳисобидан 29 нафар байналмилалчи-жангчи санаторий-курортларда бепул соғломлаштирилди. Ёзги дам олиш мавсумида 418 нафар байналмилалчи-жангчи фарзандлари болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқардилар.

Таълим ва фан, маданият, агросаноат мажмуи, енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида амал қилаётган жамоа келишувларида меҳнат муҳофазаси, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш соҳасида ногиронлар, 18 ёшга тўлмаганлар, таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмай таҳсил олаётган ходимлар учун қўшимча имтиёзлар белгилаб қўйилди. Вилоят синов-сертификатлаштириш Марказида, «Қашқадарёмармар» очиқ акциядорлик жамиятида, Шаҳрисабз туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалигида, Қаршидаги маданият коллежида ҳамда шу каби бошқа корхоналарда эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилаётир. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек,бу борада ҳам жиддий камчиликлар бор. Ўрни келганда айтиб ўтиш жоиз, ногиронлар ва вояга етмаганларга қўшимча имтиёзлар белгилашдаги қонуний ваколатлардан айрим касаба уюшма қўмиталари тўла фойдаланмаяптилар. Масалан, вилоят миқёсидаги ҳудудий келишувларда ходимларни ўқитиш ва қайта ўқитиш, ногиронлар ҳамда ёшлар меҳнатидан фойдаланишда улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар тўла акс этмаган. Бундан ташқари, агросаноат мажмуи, алоқа, маданият, автотранспорт ва йўл хўжалиги, енгил, мебел саноати, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмиталари томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Меҳнат муносабатлари соҳасида аёллар ва ёшлар ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда республика касаба уюшмаларининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини бажариш чоралари етарли даражада эмас. Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, алоқа, давлат муассасалари ходимлари вилоят касаба уюшма қўмиталарида ишлаётган ногиронларни, байналмилалчи фахрийларни, вояга етмаган ходимларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига бўлган эътибор сусайтириб юборилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ишлаётган ногиронлар, байналмилалчи фахрийлар, 18 ёшга тўлмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзларни қўлламаслик ҳолатлари учраб турибди. Мисол учун «Қаштекс» ҳиссадорлик жамиятида ва бошқа кўплаб корхона ҳамда ташкилотларда Меҳнат Кодексининг 135-моддасига зид равишда 18 ёшга тўлмаган шахсларга, ишлаётган I-II гуруҳ ногиронларига узайтирилган асосий таътил берилмаяпти. Бундан ташқари ногиронларга бир неча йиллар таътил бермаслик ҳоллари ҳам йўқ эмас. Масалан, Касби туманидаги Шароф Рашидов номли ширкат хўжалиги ишчиси II гуруҳ ногирони Ў.Тўраев сўнгги бор 2000 йил 18 кунлик таътилда бўлган. Қарши шаҳар 1-сон шифоатхонасида ишлаётган 18 ёшга тўлмаган шахсларга ноҳақлик қилинаяпти. Меҳнат Кодекси 140-моддасида белгиланган тартибда асосий ва қўшимча таътилларни қўшиб жамлаш қоидаларига риоя этилмаяпти. Вояга етмаганлар ўзларига берилган имкониятлардан тўла фойдалана олмаяптилар. «Қашқадарётелеком» шўъба корхонасининг Шаҳрисабз бўлимида I-II гуруҳ ногиронларига иш вақтининг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланмаган. Бу билан Меҳнат Кодексининг 220-моддаси бузилган. «Қаштекс» ҳиссадорлик жамиятида ҳам 18 ёшга тўлмаганлар 36 соат ўрнига 40 соатдан ишлашаяпти.

Вилоятнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларида меҳнат шартномаларини тузмасдан ўсмирлар меҳнатидан фойдаланиш ҳоллари ҳам бўлаяпти. Қарши шаҳридаги «Тинчлик туйғуси» савдо ишлаб чиқариш фирмасида ходимлар рўйхатига киритилмаган ўспиринлар меҳнат қилишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 59-моддасига кўра I-II гуруҳ ногиронларига, байналмилалчи жангчиларга даромад солиғи бўйича энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдорида чегирма қилиш имтиёзи берилган. Бироқ, Китоб тумани марказий шифохонасида ногирон ходимлардан даромад солиғининг тўла ушлаб қолинаётганлигини қандай тушуниш мумкин? Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинган «18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланган ноқулай меҳнат шароитларидаги ишлар рўйхати»нинг мазмуни билан ҳам ҳануз кўпгина корхона раҳбарлари ёки мутасаддилари таниш эмас. Пировардида бу борада салбий ҳолатлар юзага келаётир. «Қаштекс» ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти рўйхат билан вақтида танишганида эди, вояга етмаган И.Акромовни бичув қурилмасининг оператор вазифасига ишга қабул қилмаган бўларди. Бугунги кунда Қарши шаҳридаги савдо, кичик ва ўрта бизнес субъектларида ўспиринлар вулканизация, автомобилларни таъмирлаш бўйича чилангарлик, вино, спирт, ликёр-ароқ маҳсулотлари, пиво билан савдо қилиш ҳамда уларни сақлаш омборларида ҳеч қандай меҳнат шартномаларисиз катталар билан бир қаторда ишлашаяпти. Бундан ташқари, вилоятда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, у туфайли жароҳатланган кишилар моддий ва маънавий зарарини қоплашда жиддий камчиликлар учраб турибди. Мисол учун Қарши шаҳар халқ таълими бўлимида меҳнат муҳофазаси учун жамоа шартномасида белгиланган тадбирларга маблағ ажратилмаган. Шунинг учун ҳам ходим Д.Султонова бахтсиз ҳодисага учраганида, суриштирув ўз вақтида ўтказилмаган. Бошқа баъзи идораларда ҳам шундай ҳолатлар содир бўлган. «Шаҳрисабз» пахта тозалаш заводи электр созловчиси Э.Ҳаитов хизмат пайтида оғир жароҳат олди. Ветеринария даволаш муассасаси ходими И.Ниёзов иш пайтида бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлди. Ташкилот раҳбарлари эса Э.Ҳаитов ва И.Ниёзовнинг оиласига бир марталик нафақа ва товон пулларини тўлашмаган. Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

Шунингдек, ногиронларнинг зарарни қоплаш пулларини ўз вақтида олиш ҳуқуқлари ҳам поймол қилинаяпти. «Кеш» ширкат хўжалиги тракторчиси Х.Алмасовга 4 ойдан бери, Касби туманидаги Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги ишчилари У.Тўраев ва Т.Маматқуловларга икки ойдан буён зарарни қоплаш пуллари тўланмаган. «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасида зарарни қоплаш пулларидан солиқ ушлаб қолинган. Бу билан Солиқ Кодексининг 58-моддаси талаби бузилган. Қашқадарё вилоятида тиббий меҳнат эксперт комиссиялари ишида ошоралик етишмаслиги сезилиб турибди. Хуллас улар ходимнинг ногиронлик бўйича ишининг кўриб чиқилиши санаси (ТМЭК) тўғрисида касаба уюшмаларига олдиндан ахборот бермай, уларнинг комиссиялар ишида иштирок этиш ҳуқуқларини чеклашмоқда. Чунончи, Китоб туман марказий шифохонаси, «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси ходимларининг ногиронлик бўйича ишлари ТМЭКларда касаба уюшма вакилларининг иштирокисиз кўриб чиқилган.

Маҳмуд ИСАЕВ,
Ўзбекистон КУФК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлим мудири

ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Ёш авлодга ғамхўр бўлган давлатнинг келажаги буюк. Зеро, бугун замонавий касб-ҳунар эгаси бўлган йигит-қиз эртага жамиятнинг фаол аъзосига айланади. Шу маънода юртимизда ёшлар тарбиясига устувор урғу берилаётгани бежиз эмас.

Чортоқ туманидаги собиқ 39-касб-ҳунар билим юртини бугун кўрган киши таний олмаслиги аниқ. 151-таъмир-қурилиш бошқармаси қурувчилари 520 миллион сўм маблағ сарфлаб, билим юртини замонавий коллежга айлантирдилар. Ўқув хоналари олтитага кўпайди, олтита йўналишда замонавий касб-ҳунар эгаллаш имконияти туғилди.

"Туркистон-пресс"

Кейинги йилларда қадим Бухорога келувчи хорижий сайёҳларнинг оқими кўпайди. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида Бухорои шарифга эллик мингдан зиёд сайёҳлар ташриф буюришди. Шундан 22 мингдан ортиғини хорижий сайёҳлар ташкил этади. Ўтган давр мобайнида чет эллик сайёҳларга бир миллион 200 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

БУХОРО САЙЁҲЛАР ШАҲРИ

- Бухоро вилоятида 36 та сайёҳлик фирмаси ва 15 та хусусий меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда, деди "Бухоротурист" акциядорлик жамиятининг раиси, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати Мансур Зокиров "Туркистон-пресс" мухбирига. - Айни вақтда бу ерда "Бухоро-Палас" меҳмонхонаси меҳмонлар хизматида, Польшанинг "Будимэкс" компанияси "Бухоро" меҳмонхонасини қайта таъмирлашни ниҳоясига етказмоқда.

Нодир девонбеги ва Модарихон мадрасаларида, Ситораи Моҳихосса саройида турли қўшиқ ва рақс жамоалари меҳмонларга миллий санъатимизни намойиш этмоқда.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида фаолият кўрсатаётган «Собит ҳожи» хусусий корхонаси шаҳар аҳолисига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, корхонанинг «Фарҳод» бозори ёнида жойлашганлиги аҳоли учун кўплаб маиший-савдо хизмат турларидан фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

Бу ердаги «Оталар чойхонаси» доимо гавжум. Унинг ёнида жойлашган новвойхоналарда пиширилаётган бўрсилдоқ патир ва оби нонлар аҳоли дастурхонини безамоқда. Энг муҳими, хусусий корхона цехларида 120 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланган.

Суратда: оби нон цехининг уста новвойлари Мадина Маҳмудова ва Нуъмон Ибрагимовлар.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Асака туманининг Бобур номли ширкат хўжалигида Одинахон Аҳмедова ва Абдурахим Қувватов етакчилик қилаётган пудратчилар вилоятда биринчилардан бўлиб пахта топшириш давлат буюртмасини бажаришди. Деҳқонлар илк теримдаёқ бунинг уддасидан чиқишди.

Хўжаликдаги мавжуд жами пахта майдони 928 гектарни ташкил этади. Жамоада меҳнат қилаётган пудратчилар биринчи теримда йиғиб олинган ҳосил билан давлат буюртмасини бажаришни кўзлаб меҳнат қилишаётир.

Хўжалик раҳбари Абдуманнноп Парпиевнинг сўзларига кўра, оилавий пудрат усули, ўз вақтида маошларнинг бериб борилиши деҳқонларда меҳнатга қизиқиш уйғотмоқда. Бугунги кунда терилган ҳар бир килограмм пахтага 30,8 сўмдан ҳақ тўланмоқда.

— Терим мавсуми бошланганидан буён уч тоннадан зиёд пахта тердим, — деди моҳир теримчи Саодатхон Обидова. Мавсумда 5,3 тонна пахта теришни мўлжаллаяпман. Салимахон Ҳайитова, Маликахон Ҳамидова ва бошқа ўнлаб дугоналарим ҳам мавсумда 5-6 тоннадан пахта теришни режалаштиришган.

Терим мавсумини кўнгилдагидек ўтказишда моддий манфаатдорлик омили муҳим ўрини тутади,-дейди "Пахтабанк" туман бўлимининг бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Салимжон Абдужабборов. -Буни банкимизнинг ҳар бир ходими яхши тушунади. Шу боис биз ҳар беш кунликда ширкат хўжаликларидаги пудратчилар терган пахта миқдорини аниқлаймиз. Уларга дала шийпонининг ўзига пулларини етказиб берамиз. Дастлабки ўн кунликда қабул пунктларига 7495,4 тонна пахта етказиб берилди.

ИЧИМЛИК СУВИ ДАСТУРИ

Вобкент тумани Охунбобоев номли ширкат хўжалигидаги саккизта қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бу ерда хўжалик маблағлари ва туман бюджетидан олинган маблағлар ёрдамида аҳолини сув билан таъминлашнинг узоқ муддатли дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ишларни Бухоро шаҳридаги "Сахий" хусусий корхонаси бажармоқда. Хўжалик раиси Зариф Шодиевнинг маълум қилишича, Харғўш қишлоғида сув қувурларини тортиш ишлари бошлаб юборилди. Бу қишлоқда 1200 дан зиёд оила истиқомат қилади. Йил охирига қадар бу ерга ҳам тоза ичимлик суви келтирилади. "Ичимлик суви" дастури 2005 йилда тўла-тўкис ниҳоясига етказилади.

"Туркистон-пресс", (ЎзА)

Янгиқўрғон туманидаги Исковот қишлоғидан кўплаб таниқли спортчилар етишиб чиққан. Шу ерлик волейболчи қизлар тўғрисида ҳозир кўпчилик биладди. Қишлоқдаги полвонлар мактаби ҳам вилоятдаги кўзга кўринган жисмоний тарбия ва спорт масканларидан бири сифатида танилди. Бу ердаги 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 50 нафар ўғил-қизлар ўзбек кураши билан шуғулланяпти.

ЯНГИҚЎРҒОН ПОЛВОНЛАРИ

Ўзбек курашининг қизлар ўртасида ҳам оммалашиб бораётгани айниқса кувончлидир. Бунда мураббий Зуҳра Ботированинг алоҳида ҳиссаси бор. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Ҳилола Аҳмедова, Саломат Эшонова, Ҳуснида Тўхтабоева, Феруза Тўрабекова, Дилноза Сатимова каби иқтидорли курашчилар етишиб чиқди. Уларнинг дугоналаридан бири Феруза Ҳамиджонова республика чемпиони бўлди. У республика терма жамоаси аъзоси сифатида шу йил Малайзияда ўтказиладиган турнирга тайёргарлик кўраётир.

-Ёш полвонларимиз ҳаракатидан мамнунмиз,-деди спорт мактаби директори Йўлдошали Ботиров "Туркистон-пресс" мухбирига.- Жамоамиз шу йил "Маҳалла" жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган "Маҳалламиз полвонлари" беллашувларининг вилоят босқичида умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни қўлга киритди. Ёш жамоа учун бу кўрсаткич ёмон эмас. Келгусида нафақат туманимиз, балки вилоят, ҳатто Республика шарафини ҳимоя қиладиган даражага эришамиз деб умид қиламиз.

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ МАРКАЗИ

5 октябр — Халқаро шифокорлар куни

Хозирги кунда оила соғлигини мустаҳкамлаш, она ва болалар сиҳатини муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг ташкил этилиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашда катта ютуқ бўлди. 350 ўринли янги сиҳатгоҳни таъмирлаш ва ишга туширишда давлат бюджети ҳамда ҳомий ташкилотлар ҳисобидан 1 миллиард 560 миллион сўм молиялаштирилди. Аҳамиятлиси, филиалнинг моддий-техника базасини яратиш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор каратилди. Ҳокимлик томонидан маркез 187 миллион сўмлик каттик ва юмшоқ мебел жиҳозлари, 155 миллион сўмлик тиббий техника ускуналари, компьютер тўпламлари билан таъминланди.

Янги сиҳатгоҳни жаҳон соғлиқни сақлаш тизимига мувофиқлаштириш учун вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси катта куч-ғайрат сарфламоқда. Даволаш ва профилактика ишларининг самарадорлигини ошириш учун муолажаҳоналарга 42 миллион сўмлик нейрожарроҳлик асбоб-ускуналар, 19 та наркоз-суньий нафас олдириш, 2 та жарроҳлик техникаси ўрнатилди.

Филиал аҳолига 35 турдаги ихтисослик бўйича малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Қабулхонада 8 та мутахассислик йўналишидаги шифокорлар кечаю кундуз навбатчилик қиляптилар. Юқоридаги қулайликлар туфайли беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб, ташҳис қўйиш даволаниш муддатлари қисқармоқда.

Марказда оналар ва болалар бўлими ишлаб турибди. Андижон давлат тиббиёт институтининг юқори малакали мутахассис шифокорлари аёллар ва уларнинг фарзандлари саломатликларини тиклашда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш Юртбошимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат Дастури тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Дастурга асосан қишлоқ врачлик амбулаторийлари, фельдшер-акушерлик пунктларини қайта таъмирлаш, янги қурилишлар ҳисобига 226 та ҚВПлар фойдаланишга топширилди.

Барча қишлоқ врачлик пунктларида оналар ва болалар бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Шу ернинг ўзида оналар, болалар шифокорлар кўригидан ўтказилиб, касалликлари аниқланган тақдирда, беморлар вилоят ва туман марказидаги сиҳатгоҳларга даволанишга юборилмоқда. Қишлоқ шифокорларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сиҳатгоҳларни зарур миқдорда доридармон воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлаш доимий эътиборимизда.

Шифокорларни энг замонавий тиббиёт билимлари билан қуроллантириш касб малакаларини ошириш, шифохоналарни зарур тиббиёт асбоб-ускуналари билан қайта жиҳозлашда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари хусусан, хориж тажрибасидан самарали фойдаланаяпмиз. Жаҳон ривожланиш банки томонидан молиялаштирилган «Здравплюс» лойиҳаси дастурига кўра Бўз, Улуғнор, Хўжаобод туманларидаги сиҳатгоҳларда кенг кўламда даволаш-профилактика ишлари олиб борилмоқда. Ушбу туманлардаги қишлоқ врачлик пунктларининг 19 нафар шифокори мазкур лойиҳа бўйича чет эллик мутахассислар иштирокида 10 ойлик малака ошириш курсларида қайта тайёрловдан ўтишди. 30 нафар ҳамшира Исроил давлатида бўлиб, касб малакаларини ошириб қайтдилар. Асака, Булоқбоши, Қўрғонтепа, Марҳамат туманларида фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктларига «Здравплюс» халқаро ташкилотининг ёрдами билан 624 минг 643 АҚШ доллари миқдорида тиббий жиҳозлар, кўрик столлари, врачлик сумкалари етказиб берилди.

Юқорида таъкидланганидек, жаҳон соғлиқни сақлаш тизимидаги халқаро нодавлат ташкилотлар АҚШнинг «ЮСАИД», «Юракдан-юракка», «Каунтентпарт интернейшнл» ва бошқа ҳамкорлар билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 2001 йилдан бошлаб сил касаллигига чалинган беморларни қисқа муддатда узлуксиз назорат остида даволашга қаратилган «ЛОТС» лойиҳаси жорий этилган. Кейинги йилларда «ЮСАИД» ташкилотининг яқиндан кўмаги билан «НОРЕ» лойиҳаси асосида 110 нафар врач-фтизиатр, «СДС» ташкилоти томонидан 22 нафар врач-лаборант қайта тайёрловдан ўтди.

Оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофазалаш дастурда устувор вазифага айланган. Ушбу мақсадлар учун ўтган 2002 йилнинг ўзида 41 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Шу кунларда шаҳардаги 1-туғруқ комплексида қайта таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Келгусида оналар сиҳатгоҳида туғруқ ёшидаги аёлларнинг соғлигини назорат қилувчи янги бўлим ишга тушади. Қоннинг ивишини аниқловчи коагулометр ҳамда қўшимча наркоз аппарати ўрнатиш учун республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

Германиянинг «КФБ» банки гранти билан 1 миллион 700 минг евро миқдорида вилоятимиз шифохоналарига дори-дармон воситалари етказиб берилди.

Ҳозирги вақтда барча туманларда вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказининг бўлинмалари иш олиб бормоқда. Ҳокимликнинг «Вилоятда шошилинч тиббий ёрдам тизими фаолиятини янада такомиллаштириш ҳақида»ги қароридан кейин шаҳар ва туман марказий касалхоналари ҳузурида 17 та «Шошилинч тиббий ёрдам» бўлинмалари тузилиб иш бошлади. Мазкур тиббий бўлинмаларини қуриш ва таъмирлаш ишларига 1 миллиард 294 миллион 642 минг сўм маблағ ажратилди ва ўзлаштирилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳисобидан марказлашган тартибда 127 та «ДАМАС» русумли «тез тиббий ёрдам» машиналари олиниб, туман ва шаҳар тиббий ёрдам марказларига тарқатилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, жаҳон тажрибасига суянган ҳолда, якка тартибда тиббий хизмат кўрсатишни ҳар томонлама қувватламоқда. Вилоятимизда жами 53 та даволаш муассасалари лицензия рухсатнома асосида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиб ўз-ўзини молиялаштирмоқда. 200 нафардан зиёдроқ шифокор якка тартибда фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг ярим йили мобайнида 120 миллион 216 минг 700 сўмлик пуллик тиббий хизмат кўрсатилди.

Акбарали ҲАЙДАРОВ,
Андижон вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

«Пахта-2003»

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК

иш унумини оширмоқда

Президентимиз Кашкадарё вилояти деҳқонлари билан учрашувларида етиштирилган ҳосилнинг камида 70-75 фоизи биринчи навни ташкил этиши кераклиги, пахта тез ва сифатли териб олиниши лозимлигини алоҳида уқтирган эдилар.

Жорий йилда пахта анча кеч етилишига қарамасдан вилоят далаларида йиғим-терим уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Вилоятда 410 минг тонналик юксак «оқ олтин» хирмонини ғратиш учун ялпи сафарбарлик эълон қилинган. Миришкор туманидаги «Истиқлолнинг 12 йиллиги» фермер хўжалиги воҳада биринчи бўлиб шартнома режасини ошириб бажарди. Кичик жамоа раҳбари Салим Баратовнинг таъкидлашича, ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнерга етказилди.

Қамаши туманидаги «Чим» ширкат хўжалигининг Ҳасан Тўраев бошлиқ оилавий пудрати, Косон туманидаги «Эшқулобод», Нишон туманидаги «Карим ота», «Хўжаёр ота» фермер хўжаликлари ҳам йиллик марралардан ошиб ўтдилар. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори навларга қабул қилинганлиги деҳқонларга катта моддий манфаатдорлик келтирди.

Йиғим-теримда машиналар кучидан фойдаланиш, харажатни камайтириш ва моддий манфаатдорликни ошириш имконини беради. Шунинг учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» Муродулло Саидов раҳбарлик қилаётган «Жейнов» ширкат хўжалигида машина терими авжи қизғин паллага кирди.

Хўжаликнинг Одинамурод Қодиров раҳбарлик қилаётган 4-кичик ширкатида дефолация сифатли тугатилиб, пайкаллар машина теримига барвақт тайёрланди. Айни пайтда далаларда қудратли «Кейс»лар тўла қувват билан ишламоқда.

Биринчи теримдаёқ илғор пахтакор Ҳасан Нодиров бошлиқ ижарачилар 44 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан хирмон кўтаришди. Рўзи Қодиров, Шуҳрат Ҳамроев, Рўзиқул Асадов каби механизаторларнинг ҳар бири кунига 15-20 тоннадан пахта териб, хирмонга тўкишяпти.

Бу йил кичик ширкатда 400 гектар майдондаги пахта агрегатлар ёрдамида саранжомланади. 1600 тонна пахта териб олиниб, қабул пунктларига топширилади. Ана шунда 150 миллион сўм қўшимча даромад олинади.

Шу боис хўжаликнинг Турсун Сафаров, Азизбой Чўлиев, Шуҳрат Хонназаров каби ижарачилари далаларида машина йиғим-терими қизғин тус олган.

Моддий манфаатдорлик тўғри йўлга қўйилганлиги иш унумини оширмоқда. Далада ишлаётганларга барча қулайликлар яратилган. Пахтазорларда 9 мингдан ортиқ теримчи жавлон урмоқда. Ҳар беш кунда терим пули берилиб, илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

Хўжалик раиси, тажрибали пахтакор М.Саидовнинг таъкидлашича бу йил пахтачиликдан 2 миллиард 83,5 миллион сўм даромад олиш режалаштирилмоқда. Соф фойда эса 950 миллион сўмни ташкил этади. Ҳосилнинг машиналар ёрдамида териб олиниши 75 миллион сўм маблағни иқтисод қилиш имконини беради.

И.ИСОМИДДИНОВ,
С.ШАВКАТОВ

Суратларда: чапдан 1.Нишон туманидаги «Карим ота» фермер хўжалиги раҳбари Пирмат Каримов. 2.Машина терими. 3.«Жаҳон» ва «Хўжаёр ота» фермер хўжаликлари раҳбарлари Ҳусниддин Ёқубов ва Тўра Раҳмоновлар. 4.Қарши Давлат Университети қошидаги Академик лицей талабаси Умида Маматова

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллигига

ҚАЛБГА НУР БАҒИШЛАГАН ТАРИҚАТ

Тариқати хожагон сардори Ғиждувоний,
Ушбу йўлнинг қуввату мадори Ғиждувоний,
Тасаввуф бир боғ бўлса баҳори Ғиждувоний,
Дил уйининг сафоси – оҳори Ғиждувоний,
Олимлар ичра дурри шаҳвори Ғиждувоний.

Маҳмуд Ҳасаний

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (1103-1179) Ҳазрати Хизр алайҳиссаломнинг маънавий фарзанди, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг (1048-1140) сарҳалқа силсиласини давом эттирган етук халифасидир. Ул зот Хожагон – нақшбандия тариқатининг йирик вакили, қутбул – авлиё, Бухородаги етти пирнинг аввалги раҳнамоларидан ва Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг маънавий устозларидан ҳисобланади.

Зоҳир ва ботин илмларини мукаммал эгаллаган бу зоти шариф маданият ва маънавиятимизга улкан ҳисса қўшиб, нақшбандияни такомиллаштириш ва дунёга ёйишда сезиларли ҳисса қўшди.

Ислом динини бидъат ва хурофотдан асраш халқни Ҳақ ва ҳақиқат йўлига бошлаш, силсилаи олияи нақшбандияни давом эттириб, муносиб шогирдлар етиштириш, кўнгилларда ишқ ва садоқат уруғини кўкартириш Хожаи Жаҳон таълимотининг асосини ташкил этарди.

У зот илму маърифатга, таълиму тарбияга аҳамият бериб, инсонларни ҳамиша меҳнат қилишга, дунё ва охират ишларини баравар олиб боришга ундар эди.

Абдулхолиқ Ғиждувоний «Рисолаи васоё» («Насиҳатлар рисоласи»), «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Аз ғуфторҳои Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний», («Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг айтган сўзларидан») каби бир қатор асарларида тасаввуф сирру асрорларидан, комилликдан сўз юритиш билан бирга, одоб-ахлоқ, диёнат, ҳалоллик, поклик, тақво каби икки дунё саодатига мушарраф қилувчи маънавият ва тушунчалардан баҳс юритди.

Хожаи Жаҳон устозларининг, маънавий пирларининг йўли ва таълимотини ҳар томонлама бойитди. Нақшбандия: Ёдкард, Бозгашт, Ниғоҳдошт ва Ёддошт қоидаларини киритиб, хуфя зикрга эътибор қаратди. «Қўл ишда бўлса ҳам кўнгил Ҳақда бўлсин» шиорини тарғиб қилиб, инсонларга Аллоҳдан қўрқишни, охират куни ҳар бир қилинган ишдан саволжавоб бўлишини эслатиб турди. Ҳар бир инсоннинг елкасида Аллоҳнинг ҳақи, ўз нафсининг ҳақи, бошқа инсонларнинг, ҳайвонот, наботот ва ўзга нарсаларнинг ҳақи борлигидан огоҳлантириб, ҳақларини ўз ўрнида қойим қилишга чақирди. Унинг ҳар бир ўгит ва тавсияси шахс ва жамиятни фаровонлаштириш, кишиларни яхшиликка чорлашдан иборат эди.

Абдулхолиқ Ғиждувоний «Рисолаи васоё» («Насиҳатлар рисоласи») ёки бошқача номи «Одоби тариқат» аталган рисоласида шогирдига шундай насиҳат қилган: «... олий ҳиммат бўл, Худойи таоло сенга нимани берса, Худо халқига нисор қил. Бахиллик ва ҳасаддан йироқ бўлгинки, бахил ва ҳасадчи қиёмат куни дўзах оловида ёнади. Доимо халққа насиҳат қил. Кам ичиб, кам еб, кам ухлаб, кам гапир. Илм қидиришдан бир қадам узоқлашма». Эътибор берсангиз бу ўгитлар фақат шогирдига эмас, балки бутун инсониятга тааллуқлидир.

Ғиждувоний текинхўрлик ва танбалликни, риёкорлик ва сохтакорликни, қаллоблик ва фирибгарликни, жоҳиллик ва бидъат-хурофотни сира ёқтирмасди. Ҳамиша бу тоифаларни танқид қилиб, исломнинг асл мазмун-моҳиятини англаб амал қилишга, суннати санийяга мустаҳкам боғланишга даъват этарди. Энг муҳими, «Инсонларнинг яхшироғи инсонларга фойдаси кўпроқ тегадигани» ҳадисини эслатиб, «Ҳар бир кишининг маънавий даражасини дин ва халққа хизмат қилиш орқали юксалади, камол топади» деб айтарди. Кейинроқ ҳазрат Баҳовиддин Нақшбанд ҳам «Биз олий мартабани Худо ва унинг халқига хизмат қилишдан топдик» деб эътироф этган эди.

Ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бошланган силсилаи шарифни Ғиждувонийга қадар ҳам улуғ зотлар давом эттириб, елкаларидаги омонат ва масъулиятни тўлиқ адо этдилар. Хожагон тариқатини Хожа Ориф Ревгарий, Баҳовиддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори Вали, Дарвиш Муҳаммад, Имом Раббоний, Хожа Бағдодий каби зотлар давом эттирдилар. Бу тариқат мукаммаллиги, мусаффолиги ва халқчиллиги учун ҳам дунё халқлари томонидан олий тариқат сифатида қабул қилинган ва иншоолоҳ, қиёматга қадар давом этишига шубҳа йўқ.

Биз бугунги кунда ёшларимизни таълим-тарбияли, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялашда улуғ тариқат арбобларининг ҳаётини намуна қилиб кўрсатишимиз, уларнинг ўгит ва тавсияларидан баҳраманд этишимиз керак.

Тасаввур қилинг, ўсиб келаётган ёш бола Худодан қўрқса, ҳалол-ҳаромни билса, ичкиликдан, зинодан, ўғирликдан, ота-онага озор беришдан сақланса, фитна-фасод, ғийбат, каззоблик, чақимчилик, буҳтон каби иллатлардан йироқ юрса, жамиятимиз янада файзли, янада фаровон, янада баракали бўлмайдими?!

Машойихлар фақат ҳақ ва савобли йўлдан юрганликлари учун ҳам биз ёшларимизни уларнинг изидан боришга ва комил инсонлар бўлишга даъват этамиз.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан сўнг Хожа Муҳаммад Порсо, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фахриддин Али Сафий, Муҳаммад Толиб, Носириддин ал-Ҳанафий, Муҳаммад Дорошукуҳ, Мавлавий Ғулом Сарвар, Васлий Самарқандий каби шоиру мутасаввифлар ўз асарларида Хожаи Жаҳоннинг шахсияти ва оламшумул таълимоти ҳақида сўз юритиб, улуғ шайхнинг баланд мартабаси, юксак ҳоли ва сулукининг тариқатда ҳужжат эканлигини таъкидладилар.

Шу боис ҳам хожагон - нақшбандия тариқати асрлар оша инсониятнинг қалбига нур, фараҳ ва эзгу умидлар бағишлаб келмоқда. Бугунги кунда ҳам халқимиз бу таълимотга муҳтожлигини сезиб, унинг асосларини қайтадан ўрганмоқда, амалда татбиқ этиш учун саъй-ҳаракат қилишмоқда.

ЮНЕСКО ташаббуси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан юртимизда сарҳалқаи силсилаи хожагон - Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари тавалл-удининг 900 йиллик тўйи кенг нишонланади. Шу муносабат билан юртимизда қизғин тайёргарликлар кўрилмоқда. Улуғ зотларга бундай эҳтиром кўрсатилиши бир томондан ўзлигимиз, тарихимиз ва маданиятимизга қайтиш бўлса, иккинчи томондан Ҳақ дўстлари - валий зотларга бўлган ҳурмат диёримизда тинчлик, осойишталик ва барака бўлишига сабаб бўлса не ажаб! Келинглар, ҳар биримиз бу тўйни муносиб бир тўёна билан ҳеч қурса, Аллоҳ дўстларига адаб сақлаб, яхши ният, эҳтиром ва соф кўнгил ила кутиб олайлик.

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ,
филология фанлари номзоди,
халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИДА 2003 ЙИЛ 22-26 СЕНТЯБР ДАВОМИДА СОТИЛГАН ОБЪЕКТЛАРИНИНГ САВДО ЯКУНЛАРИ

№	Объектнинг номи ва тавсифи	Бошланғич баҳоси (минг сўм)	Сотилиш баҳоси (минг сўм)	1 м.кв.нинг сотилиш баҳоси (минг сўм)
	Қорақалпоғистон Республикаси			
1	Нукус шаҳридаги "Тулпоз" МЧЖ қарашли дукон биноси	794,40	794,40	1,110
2	Беруний туманидаги "Гулистон" ширкат хўжалигига қарашли ширкатчилар уйи	1050,00	1050,00	2,600
	Андижон вилояти			
1	Асака шаҳар Бобур кўчасидаги "Асака Автошоҳбекати" мажмуаси	28000,00	34000,00	17,874
	Бухоро вилояти			
1	600 м.кв. бўлган 1 та шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун ер майдони	34,50	65,00	0,110
	Ҳар бири 400 м.кв.дан бўлган 24 та, ҳар бири 600 м.кв.дан бўлган 10 та ва 420 м.кв. бўлган 1 та уй-жой қуриш учун ер майдонлари	2606,38	4338,00	0,270
2	Олот туманидаги "Тулистон" ширкат хўжалигига қарашли чўчқахона биноси	792,24	800,00	1,140
3	Олот туманидаги "Гулистон" ширкат хўжалигига қарашли АТС биноси	997,82	1100,00	14,320
4	Шофирқон туманидаги жойлашган "Тайёрдовсавдо" МЧЖга қарашли айвон биноси	1219,86	1222,00	0,300
5	Ромитан туманидаги "Нурафшон" агрохизмат корхонасига қарашли ёзги кинотеатр биноси	858,63	858,63	1,510
6	Бухоро шаҳрида жойлашган "Бухорогазсоваткурилиш" ОАЖга қарашли идора биноси	2107,19	2200,00	10,140
7	Когон шаҳрида жойлашган шахсий савдо дукони	493,11	503,00	41,920
8	Бухоро туманидаги "Маданият" ОТАЖга қарашли "Халқ банки" ва почта биноси	1739,82	1740,00	7,390
9	Ромитан туманидаги "Халқобод" агрохизмат корхонасига қарашли ҳаммом биноси	650,00	704,16	2,350
10	Когон туманидаги шахсий савдо дукони	165,96	177,00	2,770
	Жиззах вилояти			
1	Ҳар бири 400 м.кв.дан бўлган 9 та уй-жой қуриш учун ер майдонлари	124,04	165,00	0,050
2	Ғаллаорол туманидаги "Матлуботсаноат" ИЧАЖга қарашли 2 қаватли маъмурий бино, қозонхона, 2 ўринли ҳожатхона, асфальт-бетонли ер майдони, тошли девор тўсиқ	13414,4	14000,00	8,940
3	Дўстлик туманидаги "Дўстлик-тарраққиёт" АЖга қарашли майший хизмат кўрсатиш уйи биноси	681,50	750,00	2,230
	Қашқадарё вилояти			
1	Косон туманидаги "Насаф" жамоа ширкат хўжалигига қарашли 6-сонли молхона биноси ва 10 тоннали тарози	7100,00	7100,00	2,300
2	Нишон туманидаги "Оқ олтин" деҳқон фермер хўжалигига қарашли 12 ўринли ҳаммом биноси	230,00	230,00	0,090
	Навоий вилояти			
1	Ҳар бири 400 м.кв.дан бўлган 15 та уй жой қуриш учун ер майдонлари	420,00	490,80	0,080
	Наманган вилояти			
	Наманган туманидаги "Самарқанд" ширкат хўжалигига қарашли:			
1	113-контурдаги 1,6 га.ли токзор	1300,00	1365,00	0,085
2	1-бригада 123-контурдаги 1,0 га.ли токзор	600,00	630,00	0,063
	Янгиқўрғон туманидаги "Йўлдош Охунбобоев" ширкат хўжалигига қарашли			
3	309-контурдаги 0,20 га. мевали боғзор	90,00	100,00	0,050
4	247-контурдаги 1,0 га. мевали боғзор	400,00	430,00	0,043
5	747- контурдаги 1,0 га. мевали боғзор	400,00	430,00	0,043
6	Чуст туманидаги "Матлубот улғуржи чакана савдо" агона АЖга қарашли 1-сонли савдо дукони биноси	2000,00	5000,00	22,545
	Поп туманидаги "Чодак" ширкат хўжалигига қарашли			
7	155-а контурдаги 1,0 га. мевали боғ	800,00	840,00	0,084
8	155-б контурдаги 2,0 га. мевали боғ	1500,00	1570,00	0,079
9	Поп туманидаги "Ўрумсарой" ширкат хўжалигига қарашли 94-контурдаги 3,0 га.ли мевали боғ	1300,00	1350,00	0,045
10	Поп туманидаги "Ўрумсарой" ширкат хўжалигига қарашли 132-а контурдаги 1,0 га.ли мевали боғ	445,00	460,00	0,046
11	Сўқроқ" МЧЖга қарашли Учқўрғон туманидаги "Мустақиллик" кўчасидаги маъмурий бино ва иншоат	2800,00	3100,00	14,419
12	Косонсой туманидаги банкрот деб эътироф этилган "Косонсойконсерва" КАКга қарашли омборнинг тара биноси	8070,60	8100,00	4,903
13	Косонсой туманидаги банкрот деб эътироф этилган "Косонсойконсерва" КАКга қарашли айвон (устахона)	549,90	550,00	1,503
14	Янгиқўрғон тумани Поромон ширкат хўжалигининг 380-контуридаги 2,0 га.ли мевали боғ	1000,00	1050,00	0,053
15	Уйчи туманидаги "Бирлашган" ширкат хўжалигининг 1-контуридаги 1,0 Га.ли мевали боғ	300,00	315,00	0,032
16	Чортоқ туманидаги "Ойқирон" ширкат хўжалигининг 573-контуридаги 1,0 Га.ли мевали боғ	350,00	380,00	0,038
	Уйчи туманидаги "Охунбобоев" ширкат хўжалигига қарашли:			
17	283-контурдаги 0,40 Га.ли мевали боғ	720,00	750,00	0,188
18	8-контурдаги 0,40 Га.ли мевали боғ	720,00	750,00	0,188
19	144-контурдаги 0,50 Га.ли мевали боғ	900,00	950,00	0,190
20	144-контурдаги 0,30 Га.ли мевали боғ	540,00	570,00	0,190
21	279-контурдаги 0,40 Га.ли мевали боғ	720,00	750,00	0,188
22	144-контурдаги 0,50 Га.ли мевали боғ	900,00	950,00	0,190
23	283-контурдаги 0,25 Га.ли мевали боғ	450,00	470,00	0,188
24	1-контурдаги 1,0 Га.ли мевали боғ	400,00	420,00	0,042
25	1-контурдаги 1,0 Га.ли мевали боғ	400,00	420,00	0,042
26	Ҳар бири 400 м.кв.дан бўлган 64 та уй-жой қуриш учун ер майдонлари	1671,80	5004,00	0,195
	Самарқанд вилояти			
1	Ҳар бири 600 м.кв.дан бўлган 51 та ва ҳар бири 800 м.кв.дан бўлган 2 та уй-жой қуриш учун ер майдонлари	6147,00	9578,00	0,320
2	Булунғур туманидаги "Фозил Йўлдош" ширкат хўжалигига қарашли маҳсулотларни сақлаш учун мухлона бўлиши (тарозихона, қоровулхона ва ёрдамчи бинолар)	4051,00	4051,00	1,700
3	Ургут тумани Ҳалқ таълими бўлимига қарашли 7-сонли мактабгача таълим муассасаси	2100,00	2100,00	10,900
4	Самарқанд шаҳрида жойлашган шахсий савдо дукони биноси	1783,00	1783,00	31,300
5	Самарқанд шаҳрида жойлашган шахсий 1 хонали хонадон	1500,00	1500,00	59,400
	Каттақўрғон туманидаги "Каттаминг МТП" ОАЖга қарашли:			
6	А. Литер бўйича хоналар	202,00	202,00	3,700
7	А.А. Литер бўйича хоналар	210,00	210,00	3,700
8	А.Б.Литер бўйича хоналар	443,00	443,00	3,700
	Сурхондарё вилояти			
1	Ҳар бири 400 м.кв.дан бўлган 10 та, ҳар бири 600 м.кв. дан бўлган 10 та уй-жой қуриш учун ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ер майдонлари.	500,00	1570,00	0,150
	Сирдарё вилояти			
	Гулистон шаҳридаги "Гулистонқурилиштрести" ига қарашли			
1	Маъмурий биноси	36313,20	36313,20	35,918
2	Экскаватор цехнинг 1 ва 2-биноси, материаллар цехи (2 та)	63227,70	63227,70	5,196
	Тошкент вилояти			
1	Қибрай туманидаги "Бобожонов" фермер хўжалигига қарашли иссиқхона, қозонхона ва 490 туп гилос дарахтларидан иборат боғ	2550,00	2550,00	0,450
2	Паркент туманидаги "Матлуботсавдо" А.Ж.га қарашли:			
3	26-кундалик ҳарид моллари дукони	5600,00	5600,00	21,370
4	Салқин ичимликлар цехи	8250,00	8250,00	1,920
5	Нон дукони	4350,00	4350,00	21,120
6	Қибрай туманидаги шахсий қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси	220,00	220,00	0,370
7	Қибрай туманидаги шахсий қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси	200,00	200,00	0,330
8	Қибрай туманидаги шахсий қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси	200,00	200,00	0,330
9	Янгиер шаҳридаги хусусий маъмурий бино	24552,00	24552,00	10,660
10	Қибрай туманидаги шахсий қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси	500,00	500,00	0,770
11	Қибрай туманидаги шахсий қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси	200,00	200,00	0,270
12	Қибрай туманидаги шахсий қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси	220,00	220,00	0,370
13	Қибрай туманидаги "Қибрай" ширкат хўжалигига қарашли:			
14	Олма боғи	1250,00	1250,00	0,030
15	Олма боғининг 2 Га.ли қисми	500,00	500,00	0,050
16	Олма боғининг 1 Га.ли қисми	250,00	250,00	0,030
17	Олма боғининг 1 Га.ли қисми	250,00	250,00	0,030
18	Олма боғининг 1 Га.ли қисми	250,00	250,00	0,050
19	Олма боғининг 1 Га.ли қисми	250,00	250,00	0,030
20	Қибрай туманидаги шахсий, қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси	230,00	230,00	0,300
21	Ҳар бири 600 м.кв.дан бўлган 7 та уй-жой қуриш учун ер майдони	711,48	1260,00	0,300
	Фарғона вилояти			
1	Фарғона шаҳрида "Автторлик-Ф" МЧЖга қарашли омборхона бино ва иншоатлари	6200,00	6700,00	0,770
2	Бағдод туманидаги "Бағдод" ширкат хўжалигига қарашли эски бино ва иншоотлар	2069,00	2069,00	7,330
3	Бувайда туманидаги хусусий машиний хизмат уйининг бино ва иншоотлари	3562,33	3562,33	18,950
4	Бувайда туманидаги "Шарқ Юлдузи" ФХБга қарашли дон сақлаш омборининг бино ва иншоотлари	2479,31	2500,00	1,740
5	Ҳар бири 400 м.кв.дан бўлган 17 та ва ҳар бири 600 м.кв.дан бўлган 2 та уй-жой қуриш учун ер майдонлари	656,20	982,00	0,120
	Хоразм вилояти			
1	Ҳар бири 600 м.кв.дан бўлган 48 та уй-жой қуриш учун ер майдонлари	1751,00	2330,00	0,080
2	Урганч шаҳар "Иккиламресурс" МЧЖга қарашли омборхона биносининг бир қисми	510,80	511,00	0,090
3	Урганч шаҳридаги шахсий чойхона ва дукон биноси	3692,00	3692,00	47,700
	Тошкент шаҳри			
1	Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги "NURON IPAK" МЧЖга қарашли омборхона (Блок-А), Электрхона (Блок-Б) қоровулхона (Блок-В)	7200,00	7200,00	33,400
2	Мирзо Улуғбек туманидаги «KONMEAT» Узбек-Инглиз қўшма корхонасига қарашли офис биноси	18500,00	18500,00	31,500
3	Тошкент вилояти «TOSHKENT-GO'SHT» ОАЖга қарашли тиббий ҳужхона, компрессор биноси, музлатгич биноси, совхон.	5000,00	7500,00	3,600
4	Ҳар бири 400 м.кв.дан бўлган 2 та уй-жой қуриш учун ер майдонлари	1280,00	1800,00	2,250

(1 м.кв. нинг ўртача баҳоси минг сўм ҳисобида*)

Шунингдек, ўтказилган савдоларда қуйидаги мулклар ҳам сотилди:

№	Объектнинг номи ва тавсифи	Бошланғич баҳоси (минг сумда)	Сотилиш баҳоси (минг сумда)
	Қорақалпоғистон Республикаси		
1	Нукус шаҳридаги шахсий қурилиш материаллари	7120,00	7120,00
	Андижон вилояти		
1	Қўрғонтепа туманидаги Давлат солиқ инспекциясига қарашли ГАЗ-2410 русумли, давлат белгиси 17 АС 885 булган автотранспорт воситаси	289,44	390,00
2	Балиқчи туманидаги Давлат солиқ инспекциясига қарашли ВАЗ-21061 русумли, давлат белгиси 02-27 АНБ булган автотранспорт воситаси	647,01	850,00
	Андижон шаҳар "3-ҳарбий савдо" ташкилотига қарашли:		
3	ЗИЛ-431410 русумли, давлат белгиси 33-08 АВ булган автотранспорт воситаси	479,18	650,00
4	ГАЗ-53 русумли, давлат белгиси 33-10 АВ булган автотранспорт воситаси	328,03	410,00
	Бухоро вилояти		
1	Бухоро шаҳар "Табиат Саҳовати" АЖга қарашли ИЖ-2715 русумли, давлат белгиси 20 АО 990 булган автотранспорт воситаси.	197,57	260,00
	Жиззах вилояти		
1	Жиззах шаҳар "Зооветтаъминот" шўъба корхонасининг мол-мулки	4072,48	5300,00
	Навоий вилояти		
1	Навоий шаҳри Марказий поликлиникага қарашли РАФ-22031 русумли, давлат белгиси 21 АВ 794 булган автотранспорт воситаси	331,43	412,50
2	Навоий шаҳар Давлат инспекцияси қарашли Тико русумли, давлат белгиси 21 АВ 693 булган автотранспорт воситаси	739,15	871,50
	Наманган вилояти		
1	"Наманганғўшт" АЖга қарашли Чортоқ тумани Короскон қишлоғидаги молхона ва идора биноси (бузиб олиш шарти билан)	1700,00	2000,00
2	Косонсой туманидаги, банкрот деб эътироф этилган "Косонсойконсерва" КАКга қарашли "Канализация заводи"	3509,00	3510,00
3	Мингбулоқ туманидаги Ҳалқ таълими бўлимига қарашли 12-сонли болалар боғчаси биноси	650,00	900,00
4	Наманган шаҳар вилоят бошхона бошқармасига қарашли ВАЗ-2108 русумли, давлат белгиси 16 АЕ 318 булган автотранспорт воситаси	726,00	1300,00
5	Наманган шаҳри вилоят бошхона бошқармасига қарашли ВАЗ-21061 русумли, давлат белгиси 16 АЕ 317 булган автотранспорт воситаси	864,00	1350,00
	Самарқанд вилояти		
1	Тойлоқ тумани ҳокимиятига қарашли ВАЗ-21051 русумли, давлат белгиси 10-70 СНО булган автотранспорт воситаси	547,00	800,00
	Тошкент шаҳри		
1	Мирзо Улуғбек туманидаги «O'ZPAXTAMASH» ОАЖга қарашли 3 та дастгоҳ (термопласт АВТ Д 3134 инв №3244, термопласт АВТ Д 3110 инв №3245, термопласт АВТ Д-3 138 инв №3207)	5707,00	5707,00
	РКМБ МА		
1	Тошкент шаҳридаги "Ҳалонмаҳсулот" ДАК.га қарашли "М-Бек" кичик давлат корхонаси мулкий мажмуаси	23123,10	23130,00

Қонун барчага баробар

АЙЛАНМА ЙЎЛЛАР

жиноят кўчасига бошлади

Кейинги пайтларда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган сифатсиз маҳсулотларни бойлик орттириш илинжида мамлакатимиз ҳудудига олиб киришга уриниш ҳолатлари кўплаб учраб турибди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Чиноз тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими томонидан ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликда кўплаб амалий тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, ўтказилаётган назорат текширувлари жараёнида ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган «тадбиркорлар» сири фош бўлди.

Масалан, Чиноз шаҳар Ибн Сино кўчасида истиқомат қилувчи Зулфия Ғаффорова Чиноз туман деҳқон бозорида ҳеч жойдан рўйхатдан ўтказилмаган, акциз маркаси бўлмаган 152 минг 550 сўмлик тамаки маҳсулотини сотаётганда тузоққа илинди. Фуқаролар Абдуқаҳҳор Набиев 9 миллион сўмликдан ортиқ, Алихон Кукенов эса 10 миллион 863 минг сўмлик Хитойда ишлаб чиқарилган кийим-кечак маҳсулотларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз қўшни Қозоғистон Республикасидан олиб келишаётганлиги аниқланди. Қарангки, улар божхона назорат масканларини четлаб, турли айланма йўллар орқали юришни «маъқул» кўришган. Шунингдек, туманда яшовчи фуқаролар Шоҳида Азимова ва Қундизой Шаменовалар эса, маҳаллий ҳокимият томонидан махсус рухсатнома ва туман солиқ инспекциясидан тегишли гувоҳнома олмасдан туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган. Боз устига, уларга тегишли бўлган хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган кийим-кечак ҳамда «Родина» номли ароқ маҳсулотлари кўздан кечирилганида, унинг сифатини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат йўқлиги маълум бўлди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Умуман, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 45 та турли кўринишдаги қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, 26 миллион 672 минг 300 сўмлик товар моддий бойликлари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Бундай салбий ҳолатлар айрим кимсаларнинг қонун талабларини яхши билмаслиги ёки била туриб нафс йўлида жиноят кўчасига қириб қолиши оқибатида содир бўлмоқда. Шундай экан, фуқаролар, айниқса, тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишиларнинг ҳуқуқий билим ва маданий савиясини ошириш, қонунчилик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ,
«Ишонч» мухбири

Гар олсам
қўлимга,
бағримга боссам
Димоғимни
чулғар
ҳаёт ифори.
Бола бўлиб гоҳо
хуморим ёзсам,
Қалбимда акс
этар
сочимнинг қори.



Болалар спорти

РАСМАН ФУТБОЛ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

деб аталса-да бу ерда кураш ва дзюдога ҳам катта эътибор қаратилмоқда

Кашкадарё вилоят футбол мактаб-интернати ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай унинг довруғи воҳадан ташқарига ёйилган.

Бундан етти йил муқаддам ташкил топган мактаб-интернатга дастлаб футбол ва курашга қизиқувчи 100 нафар бола жалб қилинди. Малакали ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракати зое кетмади.Тез орада мактабда таҳсил олаётган ёшларнинг маҳорати эл оғзига тушди. Айни пайтда бу ерда 359 нафар ёшлар спортнинг бу икки тури бўйича шуғулланмоқда.

– Мактабимизда таҳсил олиб, бугунги кунда «Насаф» футбол жамоасининг ўринбосарлари сафида тўп сураётган Ойбек Тўлаганов, Илҳом Ёдгоров, Темур Лутфуллаев, Аббос Давлатов, Дилшод Боллиев, «Шўртан» ва «Машъал» жамоаларининг ўринбосарлари сафига қабул қилинган Жасур Бобоев, Азиз Курбонов, Самандар Шодмонов, Уйғун Дўстқобилов, Фурқат Маматов, Шерали Хушшиев, Жавлон Элмуродовлар маҳорати кун-сайин ошмоқда, – дейди илм маскани раҳбари Хуррам Баратов.

Бу ерда кураш бўйича ҳам маҳоратли полвонлар етишиб чиқяпти. Акбар Чориев, Мехриддин ШойМуродов, Ғулом Ширинов, Рамазон Қурбоновлар республика чемпиони бўлиб, имтиёзли равишда олий ўқув юртлари талабалари бўлишди.

Мактаб-интернат қошида ўқувчилардан ташкил топган «Қарши» футбол жамоаси фаолият кўрсатмоқда. Шуҳрат Бўриев раҳбарлик қилаётган мазкур жамоа нуфузли мусобақаларда ҳам иштирок этяпти. Жамоанинг ўз ишлари бор. «Вилоят футболи довруғини жаҳонга танитамиз». Дарвоқе, якка курашнинг яна бир тури дзю-дога ҳам эътибор кучайиб бормоқда. Жамшид Бозоров, Шавкат Бобоёров, Муҳиддин Бўриев, Умарқул Раҳматуллаев, Алишер Ибрагимов сингари мураббийлар ёшларга спортнинг бу турларини қунт билан ўргатмоқдалар.

Лекин мактаб-интернат болалар боғчаси биносида фаолият кўрсатаётганлигини эътиборга олсак, бир талай муаммолар ҳам борлиги ўзўзидан аёнлашади. Шу боис шаҳарнинг қулай жойидан мактаб-интернат биноси қуриш лойиҳалаштирилди. Барча қулайликларга эга бўлган янги бино спортнинг бошқа турларини ривожлантиришга ҳам кенг имкониятлар яратади.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири

Суратда: мураббий Шерали Янгиев футбол машғулоти ўтказаётган пайт

Халқ таълими фахрийси Усмон Турмуҳамедов ўз хонадонида Ғиждувон амалий санъат музейини очди. Музейда Ғиждувоннинг шуҳратини оламга таратган кулолчилик буюмлари намойиш этилмоқда.

ЎҚИТУВЧИ УЙИДА МУЗЕЙ

- Мен узоқ йиллар мобайнида Ғиждувондаги 59-ихтисослаштирилган мактабда раҳбарлик қилдим, деди У.Турмуҳамедов "Туркистон-пресс" мухбирига. -Пенсияга чиққанимдан кейин ўз уйимда музей очишга аҳд қилдим. Музейдан шунингдек эски мусиқа созлари, уй-рўзғор буюмлари, ўзимнинг илмий ва бадиий асарларим ўрин олган.

Таъкидлаш жоизки, У.Турмуҳамедов тумандаги энг илғор физика ўқитувчиларидан бири эди.У ўнлаб илмий рисолалар ва бадиий асарлар ёзган.

Санъатимиз дарғалари

ХАЛҚ ЛАПАРЛАРИ УСТАСИ

Авжи ёз кунлари. Бобур номидаги Наманган шаҳар Маданият ва истироҳат боғида ҳар йили бўладиган Гуллар байрами олдидан халқ ансамбларининг чиқиши ўтказилаётган эди. Куннинг иккинчи ярмида , кўпчиликнинг ишдан қайтишига мўлжаллаб ташкил этилган мазкур тадбирда халқ орасидан етишиб чиққан талантлар бирин-кетин ўрин алмаша бошлашди. Шу пайт ёши анчага бориб қолган онахон саҳнага кўтарилди. Қордек оппоқ рўмоли ўзига ярашган онахонга аввалига кўпчилик унча эътибор бермагандек бўлди. Лекин ёши ўтганроқ одамлар орасидан:

– Ўзимизнинг Бўстонхон ая-ку, шукурки, анча бардам эканлар, узоқ умр кўрсинлар! – деган гаплар эшитилди.

Ҳозиргина кекса онахон сифатида кўринган санъаткор қўлидаги чирманда гумбирлашга, ўзлари эса хиргойи қилишни бошлагач, томошабинларнинг кайфияти у кўриниши ҳам ўзгариб кетгандек бўлди. Лапар борлиқни яшартириб юбораётгандек эди.

– Яшанг, Бўстонхон ая, кам бўлманг! Ёшларга кўрсатиб қўйинг халқ лапарлари нималарга қодирлигини, – деган хитоблар эшитилди.

Биринчи қўшиқ тугартугамас борлиқни ларзага келтириб гулдурос қарсаклар янгради. Шундан кейин навбатдаги лапар, ундан кейин яна ва яна қарсаклар гумбири истироҳат боғини ларзага келтирди. Шу тарзда тўрт-беш лапардан сўнг Бўстонхон ая толиққанлигини айтиб йиғилганлардан узр сўрагунича қўлини кўксига қўяқўя саҳнадан тушди.

Бўстонхон ая санъат даргоҳига бундан 60 йил олдин кириб келган эди. Ўшанда қонли уруш борар, унинг ёвуз шарпаси вилоят марказидан йигирма-йигирма беш чақирим олисдаги Косонсой туманининг Гурмирон қишлоғида ҳам яққол сезилиб қолган, эркакларнинг асосий қисми фронтга кетганлигидан хўжаликлардаги борлиқ оғир меҳнат аёллар зиммасига тушган, болалар ҳам она ва опаларига эргашиб қўлларига кетмон ёки теша олиб ғўза қаторларини оралашарди. Ўша оғир кунларнинг бирида вилоят театридан келган санъаткорлар гуруҳи одамлар кўнглини бироз бўлса-да ёзиш мақсадида концерт берди. Даладан тўппа-тўғри етиб келган Бўстонхон мусиқа чалинаётганда театр рақсосасига қўшилиб ўртага тушиб кетди. Унинг рақси ҳатто театр артистиникидан яхшироқ чиқди. Концертни бошқариб бораётган Камолхон Пошшаева қиздан ашула айтишни, ҳам билиш-билмаслигини сўради. Бўстонхон халқ лапарларидан бирини мусиқа жўрлигида ижро этди. Қарабсизки, концерт охирида қизни

театрдагилар бирга олиб кетишди. Шу-шу оддий деҳқон Абдулла ака ва Ашурбиби опаларнинг қизлари Бўстонхоннинг ҳаёти бир умрга санъат билан боғланиб қолди.

– Ўша замонлар уруш билан боғлиқ саҳна кўринишлари ва ашулалар одамларга қаттиқ таъсир кўрсатарди, – эслайди онахон. Менинг ижромдаги:

Жоним болам жангга мардона кетдинг,
Тулпорингни суриб ҳар ёна кетдинг,
Кўнгил дарёсига дурдона кетдинг.
Қўйиб мени ҳижрона кетдинг...

деган сўзлари билан айтиладиган ашуламни эшитганлар ҳўнг-ҳўнг йиғлашарди.

Бўстонхон анча йиллар шаҳардаги Маданият уйи иштирокчиси сифатида фаолият кўрсатди. Кейин уни Алишер Навоий номли вилоят театрига ишга таклиф этишди. Бу ерда қиз Ўзбекистон халқ артистлари Раззоқ Ҳамроев, Қудрат Хўжаевлардан, таниқли санъаткорлар Муҳриддин Мансуров, Мукаррама Азизова, Каримжон Мансуров, Собир Раҳмоний, Онахон Тожибоевалардан кўп нарсаларни ўрганди. «Бой ила хизматчи»да Мастон, «Нурхон»да Қумри, «Аршин молалон»да Зебо, «Рустам»да Ҳамро, «Тоҳир ва Зуҳра»да Қундуз ролларини маромига етказиб ижро этди. 1961 йилдан 1970 йилгача Намангандаги болалар ва ўсмирлар ижодий маркази яқинида ташкил этилган ансамблда бадиий раҳбар бўлиб ишлади. «Ширмон» ўйини яллалари билан республика ойнаи жаҳон орқали қатор чиқишлар қилди.

Бўстонхон ая қутлуғ саксон ёшларини қаршилаганликларига қарамасдан ҳамон тетик ва ижодий куч-ғайратга тўла. Ҳозирда Наманган шаҳар марказий Маданият уйи қошидаги«Ёр-ёр» фольклор-этнографик ансамбли бадиий раҳбари. Ёшларга қадимий санъатимизнинг бу туганмас чашмалари сирларини ўргатмоқда. Санъаткорнинг фикрича, бу соҳа чексиз-чегарасиз, маънавий озиқ бўлмиш халқ ижодиёти сирларини охирига етиб бўлмайди. Унинг фалсафаси-яхшилик, унинг ижроси-яхшиликка чақирув.

Ж.ОБИДОВ

Оқибатли одамлар

Носир ака тўплаб қўйган маошини белига тугиб, болалари учун кийим-бош, ўқув қуроллари харид қилиш мақсадида туман марказидаги бозорга отланди. Бозорга кираверишда «Аввал озгина шакар, чой сотиб олай» деган хаёлда «Ал-Аваз» деб номланган хусусий фирма дўконига кирди. Сўнг гавжум бозор сари шошилди.

ЙЎҚОЛГАН ПУЛ эгасига қайтарилди

Кийим-кечак бозорида савдолашиб, чўнтагига қўл солдию бир зумда қора терга ботди. Не заҳматлар билан топган 80 минг сўм пули йўқ эди. Ахир, ҳозиргина бозорга кирди-ку. Ёки киссавурларга ўғирлатдимикан? Носир ака минг хил ўй-хаёллар билан бозордан чиқди. «Эй, боя шакар ва чой сотиб олиш учун дўконга кирган эдим-ку. Ҳойнаҳой, ўша ерда унутиб қолдирган бўлсам керак». Афсуски, дўкондагилар ҳеч қандай пул кўришмаганлигини айтишди.

Бу воқеанинг тўртинчи куни Носир акани бегона бир йигит йўқлаб келди. Негадир, йўқловчи унга танишдек кўринди.

— Мени исмим Элшод.

— Бозорга кираверишдаги «Ал-Аваз» фирма дўконида сотувчи бўлиб ишлайман. Бундан тўрт кун аввал пулингизни раста устида унутиб қолдирган экансиз. Шуни олиб келгандим.

Носир аканинг кўзида ёш халқаланди. Сўнг Элшодни узоқ дуо қилди.

Маълум бўлишича, Носир ака растада унутиб қолдирган пул тугилган белбоғ устига дўкон ходимлари янги маҳсулот қутичаларини тахлаб юборишган экан. Воқеадан хабар топган Э.Ҳикматов Носир акани аниқлаб, омонатни ўз эгасига қайтарди.

Марям АХМЕДОВА

ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ОБОД МАҲАЛЛАМ

Эзгуликка ошнаман,
Қалб меҳрига ташнаман,
Кенг бағрида чашмаман,
Ҳур, бахтиёр маҳаллам.

Тангри берган файзини,
Қирқ бўлар бир майизни,
Одобга чорлар бизни
Номусу ор маҳаллам

Ночорларни йўқлаган,
Сағир қорнин тўқлаган,
Ўз бурчини оқлаган,
Аҳли аброр маҳаллам.

Кун сайин очар чирой,
Ҳар хонадон файзга бой,
Тадбиркор, деҳқон, новвой
Ва бунёдкор маҳаллам.

Гурунг тўла гузарлар,
Ётдир кўнгилбузарлар,
Улуғ режа тузарлар,
Аҳли илғор маҳаллам.

Кўчаларинг кенг, равон,
Бағрингда ошгум довон,
Эл ичида зўр карвон
Ҳам ифтихор маҳаллам

Насиба АҲМАДЖОНОВА,
Янгийўл шаҳридаги 16-мактаб ўқувчиси

НИМ ТАБАССУМ

Икки ошна пивахонада ўтирипти. Бири сўради:

– Нега бугун жуда хаёлчансан?

– Бир нарсани сира эслолмаяпман. Хотиним менга нима деб тайинловди – бир кружка пиво ичиб, уйга соат ўнда кел деганмиди, ёки ўн кружка ичиб, соат бирда кел дебмиди?

* * *

– Уйингиз жуда торми дейман?

– Ҳа, шунақа. Буни қаердан билдингиз?

– Кучукчангиз думини ёнига эмас, юқоридан пастга қараб ликиллатяпти.

* * *

Шаҳардаги энг ярамас одам вафот қилипти. Қабристонда ҳеч ким унинг тўғрисида бирон оғиз яхши гап айтишни истамапти. Дафн маросимига бошчилик қилаётган одам сўрапти:

– Наҳотки, марҳум ҳақида ҳеч ким бирон оғиз яхши гап айтмаса?

Шунда сартарош сўз олипти:

– Марҳумнинг соқолини олиш осон эди. Юзининг териси яхши эди.

* * *

Соғманми, касалманми, барибир, – деб ҳикоя қилди машҳур ёзувчи, – мен ойда бир марта врачнинг ҳузурига бораман, чунки унинг ҳам яшагиси келади. У ёзиб берган дориларни, албатта, аптекачига буюраман, чунки аптекачи ҳам яшагиси келади. Сўнгра дориларни ташлаб юбораман.

– Нега?

– Чунки менинг ҳам яшагим келади.

* * *

– Алло, жонгинам! Сенмисан! Менга тегасанми, йўқми?

– Сен буни жиддий айтяпсанми?

– Албатта.

– Бу масалани чуқур ўйлаб кўриш керак. Беш дақиқадан кейин қўнғироқ қил-чи...

* * *

Машқ вақтида разведкадан қайтган солдат капитанга айтяпти:

– Бузилмаган кўприк топилди.

– Танклар ўтаоладими?

– Ўтади.

– Отлиқлар ўтаоладими?

– Ўтиши мумкин.

– Унда пиёдалар ҳам ўтаоларкан-да?

– Йўқ, пиёдалар ўтаолмайди, жаноб капитан.

– Бу қанақаси бўлди? Танклар ўтса, отлиқлар ўтса-ю, пиёдалар ўтаолмаса?

– Кўприкка қопонғич ит боғлаб қўйилган.

Агар бир аъзога оғриқ бўлса ёр,
Ўзга аъзоларда қолмайди қарор.

Саъдий ШЕРОЗИЙ.

Саломатлик сабоқлари

БУҚОҚ ХАСТАЛИГИДАН САҚЛАНИНГ

Буқоқ – қалқонсимон безнинг ўсма шаклида 1 дан 5 даражагача катталашуви бўлиб, касаллик кўпинча шу без фаолияти ва организм умумий ҳолатининг бузилиши билан кечади.

Олимларнинг таъкидлашича, қалқонсимон безнинг гормонлар ишлаб чиқаришига ташқи муҳит ҳарорати, турли хил эмоционал ва жисмоний тазйиқлар таъсир этади. Қалқонсимон без бўйин соҳасида кекирдакнинг олд томонида, ҳиқилдоқдан бир оз пастда жойлашган бўлиб, шифокорларга қадимдан маълум. Буқоқнинг эндемик (маълум жой билан чекланган), спорадик (онда-сонда учрайдиган), эпидемик (ялпи тарқалган), диффуз токсик турлари мавжуд.

Буқоқнинг айрим кўринишлари қалқонсимон безнинг сурункали яллиғланиши ёки ўсмалар пайдо бўлиши билан кечиши аниқланган. Қалқонсимон без гормонларининг етишмаслиги, бўлмаслиги, шунингдек ортиқча бўлиши организмнинг турли касалликларга олиб келиши кузатилган (гипотиреоз, миксидема, кретинизм). Масалан, гипотиреозда айни вақтда барча моддалар алмашинуви жараёнларининг секинлашуви кузатилиб, кўпгина орган ва тўқималарда бузилишлар рўй бериши таъкидланади. Бу касаллик аста-секин ривожланиб, беморларда бўшашиш, уйқучанлик, хотиранинг сусайиши, бепарволик пайдо бўлади ва ҳоказо.

Касалликка руҳий номутаносиблик, асаб бузилиши, юқумли касалликлар, аёллар ички секреция безлари фаолиятининг ёшга қараб ўзгариши, ирсий хасталиклар, шунингдек, сув, озиқ моддаларда йод етишмаслиги кабилар сабаб бўлади. Натижада мушаклар заифлашиб, бемор серзарда, йиғлоқ бўлиб, озиб кетади, кўзи чақчаяди, кўп терлайди, оёқ-қўли, баъзан бутун танаси титраб, юраги тез уради, уйқуси бузилади, кучсиз иситма чиқиб, тез чарчайди ва ҳатто ишга яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Касалликнинг оғир хили баъзи сабабларга кўра тиреотоксик кризга ва комага олиб бориши мумкин. Касаллик узоқ давом этса юрак, жигар, жинсий безлар ва бошқалар зарарланади. Буқоқ хасталиги хотин-қизларда кўпроқ учраши, одатда касаллик ўғил-қизларнинг балоғатга етиш даврида, айниқса мактаб ёшидаги болаларда кўп учраши ва ҳомиладорликда авж олиши аниқланган.

Ҳозирги вақтда йод етишмаслиги ҳолатининг олдини олиш бўйича кўп ишлар бажарилмоқда (йодлаштирилган туз, ёғ ва нонлар ишлаб чиқилмоқда). Ўзбекистон Фанлар академиясининг Эндокринология институтида буқоқни замонавий ташхис қўйиш ва зарурий даволаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Буқоқ касаллигини олдини олиш ва даволаш учун қўлланадиган айрим чора-тадбирларни эслатиб ўтамиз:

1. Тўғри ҳаёт кечириш тарзига амал қилиш лозим (чиниқиш, озодаликка риоя қилиш, вақтида дам олиш, бадан тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш, зарарли одатлардан воз кечиш).

2. Таркибида йоди бор, витамин, минерал моддаларга бой таомларни истеъмол қилиш тавсия этилади (туз, нон, мева, сабзавот, полиз ва кўкатлар).

3. Зўриқиб жисмоний ва ақлий меҳнат қилиш, асабий-руҳий ҳис-ҳаяжон, чарчаш, офтобда кўп юриш буқоқнинг зўрайишига олиб келишини унутманг.

4. Дифференционал диагностикада қиз ва ўқил болаларда балоғатга етиш даврида қалқонсимон безда ўзгаришлар юз беришини ва аёллар ички секреция безлари фаолиятининг ёшга қараб ўзгаришини ва бошқаларни ҳисобга олиш тавсия этилади.

5. Шифокор беморнинг ёшига, жинсига, буқоқнинг турига қараб комплекс ва индивидуал равишда даволаш тартибини буюриши лозим.

6. Бемор ўз вақтида шифокор маслаҳатига ва тартибига риоя қилиб даволанса хирургик операциясиз тузалиб кетиши мумкин.

7. Беморлар аччиқ чой, кофе, кола, алкоголли ичимликлар ичишлари, тамаки, нос чекишлари, ширинликлар, шоколад, ўткир ва шўр таомлар (қовурилган гўшт, кабоб, қази, колбаса) ва бошқалар истеъмол қилишлари мумкин эмас.

8. Ёнғоқ мағзини ёки унинг ғўра пайтидаги мураббосини, хурмо мураббосини истеъмол қилиш, ёнғоқ кўк пўстлоғи ва баргини меъёрида солиб қайнатиб ичиш кони фойда.

9. Беморга чой ўрнига узоқ қайнатилган ўрик (туршак) суви ёки 100 гр тоза асални 1 л. сувда то 600-700 гр. қолгунча қайнатиб илиқ ҳолда ичиб юриш тавсия этилади.

10. Кўпроқ денгиз карами, оддий карам, бақлажон, дўлана, наъматак, хурмо тановвул қилиб туриш ва хвой ваннасини (35-36 С) қабул қилиб туриш тавсия этилади.

11. Шифокор маслаҳати билан меъёрида тайёрланган дамлама (қайнатма), доривор ўтлар чойини (бальзамини) қон чўп, баргизуб) барги, илдизи, меваси) турп уруғи, сабзи уруғи, эрон арпабодиёни, чилонжийда, чаёнўт, тоғ райхон, ялпиз истеъмол қилиб туриш лозим.

12. Асаб тизими қўзғалувчанлигини камайтирадиган, қалқонсимон без фаолиятини нормаллаштирадиган дори-дармонлар буюрилиши керак.

13. Кечикиб кўрилган даво чоралари самара бермаслигини эсдан чиқарманг.

Сафар МУХАММАДИЕВ,
доцент

ЙЎРИҚЧИ митти ҳажвия

Клубнинг бурчагидаги зах хонага қўйилган курсига аста ўтирдиму, бу ўриндикни менга банд қилганлар ҳақида хаёл суриб кетдим...

..Бир вақтлар бу лавозимда фирқақўм котибининг шофёри ишлаб, йўғ-е, маош олиб юрарди.

Ундан кейин раиснинг ҳеч ишини ёлчитмаган жиянига олиб беришди. У жиддий беодобчилик қилиб қўйиб қамалиб кетгач, ўрнига муҳокамада ишдан олинган бўлим бошлиғини тайинлашди. Заҳарли дорилар билан ишлайвериб меҳнатга ярамай қолган механизатор йигит ҳам анча вақтгача йўриқчиликни «қойилатди».

Ўзим ҳам қўйчилик фермасини бинойидек тебратиб турувдим.

Охирги тафтиш белга тепди.

Раис бува ҳам калаванинг бир учи ўзига боришини билиб мени силлиқкина қилиб бу ёққа ўтказворди. Аслида ёш ҳам бир жойга бориб қолди. Ораси тўрт қадам бўлсаям уйдан шу ерга келгунча ўпкам узилиб тушай дейди. Ҳар қалай Худо умр берса, нафақахўрликкача спорт йўриқчилигини амаллаб турарман.

Кенжа АРЗАНДА

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Миргиёс Қаюмов (Бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 9060 Буюртма Г– 916. 1 2 3 4 5